

## АБУ АЛИ ИБН СИНО - ҲУСНИХАТ СОҲИБИ

Джураев Ҳусен Ҳайруллоевич,  
Бухоро давлат университети,  
Ислом тарихи ва манбашу-  
нослиги, фалсафа кафедраси  
доценти, т.ф.ф.д.(Phd),  
Ўзбекистон  
+99890.715-16-41,  
[husaynbuxoriy@mail.ru](mailto:husaynbuxoriy@mail.ru)

**Аннотация:** мазкур мақолада IX – асрда Бухорода китобат ҳамда хаттотлик санъатининг ривожланиши, тарақкий этиши дунё илм-маърифатига таъсир этгани ва Абу Али ибн Синонинг ёшлик даврларида ҳуснихатга бўлган қизиқиши, Сомоний хукмдорлар даврида яшаб ўтган машҳур хаттот ва фақиҳ олимлардан бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ал-Барақийдан хаттотлик сирларини ўрганиши ҳамда у зотнинг кўплаб илмий асарларни кўчирганлиги, китобат санъати ҳақида, Абу Али ибн Синонинг тинмай китоб мутолаа қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиргани жумладан, мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқиди, ҳусусан, табобатни севиб ўргани, шулар қаторида хаттотлик санъати илмини мукаммал ўрганиб ва хаттотлик илмда тез камол топа бошлагани ҳақида илмий мисоллар орқали маълумотлар келтирилади. Абу Али ибн Синонинг чиройли ёзув ҳақида айтган сўзлари мақолада мисоллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Абу Али ибн Сино, хаттотлик санъати, ҳуснихат, қўлёзма асарлар, китобат санъат, китоб, кутубхона, Сомоний хукумдорлар, турли хат турлари, араб ёзуви.

### КИРИШ

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз... Халқимизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс

юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машхур даҳоларни етиштириб берди...

Араб ёзувининг Мовароуннахрга кириб келиши ҳамда санъат даражасига кўтарилиш босқичи дастлаб халқимизнинг бадиий ҳунармандчилиги, меъморчилиги ҳамда халқ амалий санъатида кўринган. Олим ва моҳир хаттот Абдулғафур Рассоқ Бухорий таъкидлаганидек: “хаттотлик санъати юртимизда кўпроқ китобат санъати доирасида гуллаб яшнади”,<sup>1</sup> – яъни олимлар эътироф этишича, араб ёзувининг айнан санъатга дохиллиги, Марказий Осиёда яратилган қўллёзмаларда намоён бўлади.

Абу Али ибн Сино яшаб ўтган даврда хаттотлик санъатининг ривожланиши ҳақида, швейцариялик шарқшунос олим Мең Адам “Мусульманский ренессанс”<sup>2</sup> номли китобида, қимматли манбалар асосида ёзилган, X-аср охирида мусулмон дунёсининг маданий гуллаб-яшнаши ҳақида ҳикоя қиласи. Китоб ўқувчини ўрта асрлар араб халифалигининг моддий маданияти, ижтимоий ва маданий ҳаётининг энг хилма-хил қирралари билан таништиради. Мең Адам мазкур китобда Бухорода филология, лексикология, стилистика, поэтика, риторика, шунингдек, меъморчилик, мусиқа, хаттотлик, безак санъати, ўймакорлик ва бошқалар ҳақида илмий маълумотлар келтирилади.

Бухорода китобат ҳамда хаттотлик санъатининг ривожланиши, тараққий этиши дунё илм-маърифатига таъсир этди. Жумладан, Ўрта Осиёда, айниқса, Бухоро ҳамда Хоразмда маданий-илмий тафаккур бекиёс барқ уриб гуллаган. Жаҳонга танилган ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний сингари улуғ мутафаккир олимлар даҳосидан ҳозиргача башарият баҳраманд бўлиб келмоқда<sup>3</sup>. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу порлоқ давр Ўрта Осиёда мавжуд бўлган бухорийлар, хоразмийлар ва суғдийларнинг узоқ асрлик бой маданиятининг қонуний тараққиётидан иборат бўлган. Араб ёзувида китобат қилинган минг йиллик маданий мерос наслдан-наслга

<sup>1</sup> Абдулғафур Рассоқ Бухорий билан қилинган сұхбатдан ёзиб олинган. (дала тадқиқоти. 19.08.2018 й.)

<sup>2</sup> Каранг: Мең А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука. 1966. 457 с.

<sup>3</sup> Бойтуллаев Р., Остонова Г. Мозий дафтаридан сахифалар. – Т.: O'zbekiston. 2010. – Б. 17.

қўлёзма шаклида ўтиб келган. Шу қўлёзма китоблар туфайлигина Ўрта Осиё халқлари ота-боболари яратиб қолдирган маданий меросдан баҳраманд бўлганлар.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абу Али ибн Синонинг (980-1037) илмий-ижодий фаолияти жуда рангбаранг бўлиб, аллома ўз даврида мавжуд бўлган барча фан соҳаларида қалам тебратган. Дунёда у, асосан, табиб сифатида машҳур бўлгани билан олимлар наздида буюк файласуфдир. Бошқача айтганда, табобат Абу Али ибн Сино фалсафасининг бир қисмидир, холос. Бироқ, у файласуфгина ҳам бўлиб қолмади. Шайхур-раиснинг ҳам дунёвий, ҳам диний мазмундаги асарлари ҳақли равишда уни жаҳон фани ва маданиятининг нодир намояндаси дейишга ҳуқуқ беради.

Абу Али ибн Синонинг қизиқишилари доираси ўз даврининг барча фанларини қамраб олган эди. Унинг турли фанлар ривожига ҳисса қўшган қомусий олим эканлигини билиш учун ёзган асарлари рўйхатигагина назар ташлаш кифоядир.

Абу Али ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий эди. У эл орасида ҳаким ва файласуф сифатида машҳур бўлгани учун отаси Абу Али ибн Синон унга шогирдликка берди. Нотилийнинг қўлида олим мантиқ, ҳандаса ва фалакиётни ўрганди ва баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетди. Абу Али ибн Синонинг ақлзаковатини кўрган устози отасига уни илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликини тайинлайди. Шундан сўнг ота ўғилга илм ўрганиш ва билимларини чуқурлаштириш учун барча шароитларни яратиб берди. Абу Али ибн Сино тинмай мутолаа қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришди. У мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқиди, хусусан, табобатни севиб ўрганди ҳамда шу қаторда хаттотлик санъати илмини ўрганиб ва бу илмда тез камол топа бошлади.

Абу Али ибн Сино 17 ёшдаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳукмдор Нуҳ ибн Мансур бетоб бўлиб,

сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Довруғи бутун шаҳарга ёйилган ёш табибни амирни даволаш учун саройга таклиф қиласидар. Унинг муолажасидан bemor тезда соғайиб, оёққа туради. Эвазига Абу Али ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Сомонийларнинг кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Абу Али ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз мутолаа ва китоб кўчириш билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, ҳусниҳат соҳиби ва билим доираси кенг кишиларидан бирига айланди.

Шундай қилиб, Абу Али ибн Сино зарурый билимларнинг барчасини Бухорода олди. Олимнинг илмий ижоди 18 ёшидан бошланди. У Нуҳ ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола, “Уржуза” тиббий шеърий асари, ўз қўшниси ва дўсти Абул-Хусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган “Ал-ҳикмат ал-Арузий” (“Арузий ҳикмати”) асарини таълиф этди.

Ёзма манбаларда, жумладан, Ибн Сино таржимаи ҳолида ёзилишича, Бухорода – сомонийлар саройида каттагина китоб хазинаси мавжуд бўлиб, у ерда сақланадиган китобларга X асрда маҳсус фехрист тузилган. Бу ҳозирги даврда қўлёзмалар фонди каталоги билан баробардир<sup>4</sup>. Ўрта Осиёда ва бутун мусулмон дунёсида таниқли бўлган тарихчи, адабиётшунос ҳамда фикҳшунос олим Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113-1167)нинг фикрича: “Абу Бакр ал-Хоразмий ал-Барақий<sup>5</sup> машҳур адиб, шоир ва суфий бўлиб, буюк файласуф Абу Али ибн Синонинг устози бўлган. Унинг нафис ва чуқур маъноли шеърлари халқ орасида кенг тарқалган. Ибн Сино устозининг шеърий девонини ўз қўли билан кўчириб ёзган”<sup>6</sup>. Ушбу

<sup>4</sup> Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: 2000. – Б. 9. Қаранг: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>5</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ал-Барақий Хоразм аҳлидан бўлиб, адиб, имомхатиб, чиройли сўзловчи, хаттот ва факих олимлардан бўлган. Илм талабида Ирокка сафар қиласидар. Маккай мукаррамада ҳам бўлиб, ҳаж қиласидар. Кейинчалик Бухорода муқим яшаган. <http://savollar.islom.uz/>.

<sup>6</sup> Самъоний. Ал-Ансоб. 2 – жилд. Байрут. 1981. – Б. 161.

фикрдан маълум бўладики: Абу Али ибн Сино устози Абу Бакр ал-Хоразмий ал-Барақийдан хаттотлик санъатини ўрганиб, мохир ҳусниҳат соҳиби бўлган.

Абу Али ибн Сино устози Абу Бакр ал-Хоразмий ал-Барақийнинг илтимосига кўра, 20 жилдли “Ал-ҳосил ва-л-маҳсул” (“Якун ва натижа”) қомусий асари ҳамда 2 жилдли “Китоб ал-бир ва-л-исм” (“Саҳоват ва жиноят китоби”)ни ёзди.

Жумладан, Абу Али ибн Синонинг устози Абу Бакр ал-Хоразмий ал-Барақийнинг ҳаёт ва фаолияти тарихига муҳтасар тўтасак.

### Ал-Барақий البرقی

Барақ – Хоразмдаги катта мавзе. “Барақ” форсча сўз бўлиб, барра, яъни қўзичоқ деган маънони англатади. Ал-Барақийнинг ота-боболари қўзичоқ сотар эдилар. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ал-Барақий Хоразм аҳлидан бўлиб, адаб, имом-хатиб, чиройли сўзловчи, хаттот ва фақих олимлардан эдилар.

Илм талабида Ироққа сафар қилганлар. Маккаи мұкаррамада ҳам бўлиб, ҳаж қилганлар. Кейинчалик Бухорода муқим яшаганлар. Икки ўғиллари Абу Бакр Аҳмад ва Абу Ҳафс Умар фақих, ориф, тақводорлардан эдилар. Абу Бакр Аҳмад фозил, шоир, наҳв ва сарф (араб грамматикаси) илмини яхши билувчи ва тасаввуф илмининг пешқадам олимларидан эдилар. Бу кишининг кароматлари бор эди. Катта шеърий тўпламлари мавжуд. Ҳижрий 376 (милодий 987) йилнинг мұхаррам ойида вафот этганлар.

Оталари Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ал-Бухорий асли бухоролик бўлганлар. Фақих, наҳвшунос, маърифат илмини билувчи, шоир-адиб эдилар. Бухорода қози, сўнгра Тамғочхон вазирлигида, кейинчалик эса Бухоро раёсатида ишлаганлар. Бу киши муфтий, мударрис эдилар. Кўп ҳадисларни билардилар. Тахаллуслари “Шараф ур-руасо” (Раисларнинг улуғи) эди. Ибни Мокуло айтадилар: “Абу Исо ат-Термизийнинг “ал-Жомеъ” ҳадисларини шу кишидан дарс олганман”.

Файласуф олим ф.ф.д. профессор, Музaffer Мухитдинович Хайруллаев “Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти”<sup>7</sup> номли асарида, Абу Али ибн Сино замондоши бўлган ҳамда бирга хуснихатда ижод қилган бир қатор моҳир хаттотлар ҳаёти ва фаолиятига муҳтасар тўхтаб ўтади: “Бухоро хаттотлик мактабининг дастлабки хуснихат соҳиби Муҳаммад ал-Муродий – IX асрда яшаган Бухоронинг етук хаттот ва шоирларидан, Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг дўсти, у шу ерда туғилиб ўсган. Замонасининг иирик шоирлари билан мулоқотда бўлган. У икки тилда, асосан, араб баъзан форс-тожик тилларида ижод этган. Қасидалар, давлат идораларида ишловчи ходимлар ҳақида сатиралар ҳам ёзган.

Муҳаммад ибн Хотим ал-Мусабий – IX асрда яшаган сомонийлар даврининг хаттот ва шоирларидан, котиб, давлат арбоби бўлиб ишлаган. Араб, форс-тожик тилларида қасидалар, ғазаллар ва сатиралар ёзган. Унинг фаолияти, ижоди, шеърияти ҳақида бошқа манбаларда бирмунча маълумотлар келтирилган.

Абу Аҳмад ал-Котиб – Бухорода туғилиб ўсган, саройда котиб бўлиб хизмат қилган ва хаттотлик билан шуғулланган. Ўз даврининг маданиятли, энг ўқимишли кишиларидан бўлган. Маккада бўлган, қисқа вақт Бағдодда яшаган, Ҳирот, Нишопурда ишлаган, лекин асосан умрини ўз Ватани Бухорода ўтказган.”

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида таъкидланишича, “Хунук хат билан ёзилган матн кишининг кўзига катта зарар етказади.”<sup>8</sup> Шунинг учун хуснихат билан ёзилган китоблар ниҳоятда қадрланган, эъзозланган ҳамда табаррук саналган.

---

<sup>7</sup> Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Т.: Фан. 1994. – Б. 37-38.; Джураев Ҳ.Ҳ. Бухорода сомонийлар давлати ҳамда IX-XX асрларда ижод этган шоирлар ва моҳир хаттот-муншийлар фаолияти ҳақида. / Анжумани илмий-амалий байналмили бахшида ба таҳлили 1159 солагии зодрўзи сардафтари адабиёти тожик Устод Абуабдуллоҳи Рӯдаки “Хикмати Рӯдаки”, 22 сентябри соли 2018 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар ш. Панҷакент. мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – 2018. № 4. – Б. 83-92.

<sup>8</sup> Ибн Сина. Канон врачебной науки : В 5 т. — Т.: 1956—1960.

Машхур хаттотлар хатларининг чиройли ва жозибадор бўлиши учун араб ҳарфларининг ҳар бирига оро беришга, хусн киритишга ва уларни гўзаллаштиришга ҳаракат қилганлар.

Абу Али ибн Синонинг “Шархул-ишорат” асарнинг шархида: “Хаттотлик санъатини ўрганиш учун шогирдан аввало, тилшунослик, адабиётшунослик, хусусан адабиёт тарихи, ёзув тарихи, араб ёзуви, хаттотлик санъати ва араб ёзуви турларидан маълум даражада тайёргарликка эга бўлишлари лозим.” – дейилади.

Ўзбекистонлик моҳир хаттот ва манбашунос олим Абдулқодир Муродов “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” номли асарида: ““Таълиқ хати”<sup>9</sup>ни Абу Али ибн Синонинг “Шархул-ишорат” китобидан олинган. Уни Хаттот Абулфутух бин Али Кошоний (757/1356 йил) кўчирганини маълумот сифатида келтириб ўтган<sup>10</sup>.

Милодий XII асрда яшаб ижод қилган Авҳадуллоҳ Муҳаммад бин Али Анварий Салжуқийлар ҳукумати даврида ва Султон Санжар ҳукмронлиги вақтида яшаган. У Хурросоннинг кичик шаҳарларидан бири ҳамда Нисо ва Сарахс ўртасида жойлашган Абиверд шаҳрида шеър ахлидан бўлган оиласда туғилган.

Шоир Анварий Ибн Синога кўплаб эътиқод қиласди ва айтишларича, у бу буюк донишманднинг айрим асарларини ўз хати билан ёзган.

Анварий, ҳатто. Ибни Синонинг асирикка тушгани борасида “Ал-Башорот фи шарҳил-ишорот” номли китоб ёзган.

Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг қўлёзмаси ҳамда уларнинг кейинги авлодларга етиб келишида айнан Жузжонийнинг хизмати беқиёсdir.

## НАТИЖАЛАР

### Абу Али ибн Сино асарлари фиҳристи

<sup>9</sup> Таълиқ – арабча “осилиб турувчи, илинган ёзув” маъноларини англатади. Бу хат аслида рикоъ бўлган. Уни ҳар ким турли шаклларга айлантириб, ундан бир равиш ихтиёр қилган.

<sup>10</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан. 1971. – Б 198-203.

Абу Али ибн Сино (980 – 1037) тўрт юз эллик олтида асар ёзгани маълум. Немис олими К.Брокельман Ибн Синонинг 250 та асари билан шахсан таниш бўлган. Ш.Канавати унинг 276 та асарининг фиҳристини тузган. Эрон олими Сайд Нафисий Ибн Синонинг 456 та асари номини келтириб, ундан 258 таси бизгача етиб келганини қўрсатади. ЎзР ФА ШИ фондида эса буюк олимнинг 50 та қўлёзма асари сақланмоқда. Бу фонддаги асарлар фиҳристини шарқшунос оима Б.А. Ваҳобова тузишга муваффақ бўлган<sup>11</sup>. Бу асарнинг фиҳристини тузишда оима унинг мукаммал бўлишига ҳаракат қилган. Б.А. Ваҳобова фиҳристни тузишда, асосан, қўйидаги масалаларга диққат қиласди:

1. Қўлёzmанинг ашё рақами
2. Асар исми
3. Асарнинг бошланиши
4. Қўлёзма ҳақидаги ҳар хил маълумотлар (қоғози, хати, саҳифаси ва бошқалар)
5. Нуқсони
6. Кўчирувчиси
7. Кўчириш йили
8. Ўлчови
9. СВР ҳамда бошқа фиҳристлар маълумоти<sup>12</sup>.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Абу Али ибн Сино илмий меросини ўрганиш бўйича турли мамлакатлар олимлари томонидан қўплаб ишлар амалга оширилди. Унинг асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилинган ва улар устида ҳали ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу ноёб илмий мерос мутафаккирнинг инсоният тарихидаги энг йирик қомусий олимлардан бири эканлигини яна бир карра исботлайди. Абу Али ибн Сино асарларининг нодир қўлёзмалари жаҳон кутубхоналари ва қўлёзма

<sup>11</sup> Ваҳобова Б.А. Рукописи произведений Ибн Сины в собрании Института Востоковедения АН УзССР. – Т.: Фан, 1982.

<sup>12</sup> ЎзФАШИ. № 9770/I

фондларида сақланади. Эслатиб ўтамиз, Туркияда Абу Али ибн Сино асарларининг бир ярим мингдан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд.

Абу Али Ибн Сино каби бутун борлигини илмга бағишилаган буюк олимларнинг асарлари кўп асрлардан бери инсоният учун битмас-туганмас билим манбаи вазифасини ўтаб келиши билан бирга ҳозир ҳам маънавият ҳамда илм-фан тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мана шунинг учун ҳам орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамасдан уларнинг номи барча халқлар тилида катта эҳтиром билан зикр этилмоқда ва асарлари қайта-қайта нашр қилинмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Бойтуллаев Р., Остонова Г. Мозий дафтаридан саҳифалар. – Т.: O`zbekiston. 2010. – Б. 17.
2. Вахабова Б.А. Рукописи произведений Ибн Сины в собрании Института Востоковедения АН УзССР. –Т.: Фан, 1982.
3. Джураев X.X. Бухорода сомонийлар давлати ҳамда IX-XX асрларда ижод этган шоирлар ва моҳир хаттот-муншийлар фаолияти ҳақида. / Анжумани илмий-амалий байналмилали бахшида ба таҳлили 1159 солагии зодрўзи сардафтари адабиёти тожик Устод Абуабдуллоҳи Рӯдаки “Ҳикмати Рӯдаки”, 22 сентябри соли 2018 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар ш. Панҷакент. мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – 2018. № 4. – Б. 83-92.
4. Ибн Сина. Канон врачебной науки : В 5 т. — Т.: 1956—1960.
5. Мең А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука. 1966. 457 с.
6. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан. 1971. – Б 198-203.
7. Самъоний. Ал-Ансоб. 2 – жилд. Байрут. 1981. – Б. 161.
8. ЎзФАШИ. № 9770/I
9. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: 1971. 38-бет.
10. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Т.: Фан. 1994. – Б. 37-38.
11. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: 2000. – Б. 9.

### **Интернет маълумотлар:**

1. <http://savollar.islom.uz/>.

2. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.